

**СИҚИЛГАН ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА  
ШАРТНОМАСИ № ЕК21840144**

Бўстон тумани

«12» Январ 2022 йил

Ушбу шартнома «Истьемолчи» деб аталувчи "Бўстон туман Халқ таълими бўлими"нинг низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Ю.Азимова бир томондан ва «Етказиб берувчи» деб аталувчи "Шахрихон Газ Авто" МЧЖнинг низом асосида иш олиб боровчи раҳбари З.Мирзаахмедов иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузади.

**1. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ.**

- 1.2 "Етказиб берувчи" мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Истьемолчи»га автомобил газ тўлдириш компрессор станциясида газ баллонларини тўлдириш хизматини амалга оширади.
- 1.3 «Истьемолчи» ушбу хизматларни қабул қилиш ва харажатлар сметасининг 4252500 моддасида кўрсатилган маблағ ҳисобидан ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**2. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.**

- 2.1 Шартноманинг умумий баҳоси газ баллонларини тўлдириш хизматларини қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **2.100.000 (Икки миллион бир юз минг)** сўми ташкил қилади.
- 2.2 Бажарилиши лозим бўлган хизматлар «Истьемолчи» томонидан тасдиқланган 4252500 моддасида кўрсатилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.
- 2.3 Кўрсатиладиган хизматлар қиймати узил-кесил ҳисобланиб, факатгина ишлар ҳажми Истьемолчи томонидан ўзгартирилганда ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.
- 2.4 Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ҳазначилик бўлинида рўйхатга олингандан сўнг «Истьемолчи» 100% тўловни "Етказиб берувчи" нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

**3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

**3.1. "Истьемолчи" нинг ҳуқуқлари:**

- 3.1.1. "Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 3.1.2. "Етказиб берувчи"дан "Хизматлар" "Истьемолчи"нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- 3.1.3. "Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган курсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" курсатилишини талаб қилиш;
- 3.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:  
- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ухшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;  
- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Истьемолчи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни; - баҳосининг мутаносиб тарзда қамайтирилишини талаб қилиш;
- 3.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

**3.2. "Истьемолчи"нинг мажбуриятлари:**

- 3.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда ажратилган маблағлар доирасида "Етказиб берувчи" билан шартнома тузиш;
- 3.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича курсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

**3.3. «Етказиб берувчи» қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

- 3.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун оқиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Истьемолчи"дан талаб қилиш;
- 3.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ курсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Истьемолчи"дан талаб қилиш.

### **3.4. «Етказиб берувчи» куйидагиларга мажбур:**

- 3.4.1. «Истьемолчи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сунг «Хизматлар»ни кўрсатиш;
- 3.4.2. "Истьемолчи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Истьемолчи" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
- 3.4.3. Агар "Хизматлар"ни курсатиш жараёнида "Етказиб берувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул қўйган бўлса, "Истьемолчи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин тузатиб бериш.

### **4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

4.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Етказиб берувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг киймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши холлари аниқланган тақдирда "Етказиб берувчи" курсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммалардан ташқари Истьемолчига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тулайди.

4.2. Агар курсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон курсатилган, сифати зарур даражада булмаган "Хизматлар" кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тулайди.

4.3. "Хизматлар" курсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Етказиб берувчи" "Истьемолчи"га белгиланган устамалардан ташқари курсатилиши керак булган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тулайди. Жаримадан ташқари, "Етказиб берувчи" "Истьемолчи"га "Хизматлар" курсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тулайди.

4.4. Хизматлар курсатиш кечиктирилган ёки тулик курсатилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Истьемолчи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси курсатилмаган "Хизматлар" кийматининг 50 фоизидан ортиқ булмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" курсатиш муддати кечиктирилиши ёки тулик курсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

4.5. Курсатилган "Хизматлар" учун уз вақтида ҳақ туланмаганда "Истьемолчи" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0.5 фоизи миқдорида маҳсус ҳисобрақамидан пеня тулайди, бироқ бу кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ булмаслиги керак.

4.6. "Истьемолчи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Истьемолчи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Истьемолчи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Етказиб берувчи"нинг жавобгарлиги ҳам қуриб чиқилади. "Етказиб берувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Истьемолчи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Етказиб берувчи" томонидан қопланади.

4.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

4.8. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида бажарилган ишлар нархи юқори деб топилган тақдирда ургадаги фарқ "Етказиб берувчи" томонидан қопланади.

### **5. ФОРС МАЖОР**

- 5.1 Ушбу шартнома мажбуриятларини тулик ёки қисман бажармаслик табиий офатлар натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуриб чиқилади.

## 6. ШАРТНОМАНИ ҶЗГАРТИРИШ, БЕКОР КИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

- 6.1 Мазкур шартнома белгиланган тартибда томонларнинг узаро келишувига мувофик узгартирилиши ва бекор килиниши мумкин.
- 6.2 Мазкур шартнома буйича юзага келиши мумкин булган низо ва келишмовчиликлар узаро муҳокама йуллари билан хал этилади. Агарда узаро муҳокама йули билан хал этиш имкони булмаса Конун хужжатларида белгиланган тартибда Хужалик суди оркали хал этилади.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТЛАРИ.


- 7.1 Шартнома томонлар имзолаб, худудий ғазначилик булинмасида руйхатга олинган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал килади.
- 7.2 Шартнома 2 нусхада тузилиб, хар иккала нусхаси хам хукукий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

### "Етказиб берувчи"

ООО «Шахрихон Газ Авто»  
Шахрихонт., Бувайда МФЙ  
р/с: 2020 8000 7047 3099 8001  
АТ Алока банк Наманган бўлими  
т.Шахрихон ОКЕД: 11232  
МФО:00401;ИНН:300933864  
Тел: 93 251 – 56 - 36

Рахбар:



### "Истьемолчи"

Бўстон туман ХТБ  
Гузар МФЙ Инак йули кучаси 62-уй  
р/с23402000300100001010,  
100022860032097096300075003  
Марказий банк Тошкент ш, ХККМ  
ИНН:201 122 919  
ОКОНХ:97600 МФО:00014 Молия  
вазирлиги ягона ғазна ҳисоб варағи  
Тел: 74 333 12 89

Рахбар



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**№** EK21840144

1. Loyihaning turi

**Shartnoma**

2. Loyihaning nomi

"Yetkazib beruvchi" mazkur shartnoma shartlariga muvofiq «Istemolchi»ga avtomobil gaz to'ldirish kompressor stansiyasida gaz ballonlarini to'ldirish xizmatini amalga oshiradi.«Ist`emolchi» ushbu xizmatlarni qabul qilish va xarajatlar smetasining 4252500 moddasida ko'rsatilgan mablag' xisobidan xaq to'lash majburiyatini oladi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

**Bo'ston tuman xalq ta'limi bo'limi**

**12.01.2022**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2021 yil «12» yanvar

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi**

**Bosh yuriskonsulti**



**Sh. O'rmonov**

Автомобил газ тўлдириш компрессор станциясида газ баллонларини  
 тўлдириш хизматини

ИЛОВА

№	Бир куб газ нархи 1м3 учун (2800)	Сиқилган газ (м3)	Жами 1-чорак учун ажратилган жами сумма	Бюджет хисобидан тушириладиган маблаг	Махсус хисоб ракамдан
1	Йиллик учун жами	1 м3 x 2800	750	2 100 000	2 100 000
	1 чорак	1 м3 x 2800	750	2 100 000	2 100 000
1	Январ	250	250	700 000	700 000
2	Феврал	250	250	700 000	700 000
3	Март	250	250	700 000	700 000
	2- чорак	1 м3 x 2800			
4	Апрел				
5	Май				
6	Июн				
	3- чорак	1 м3 x 2800			
7	Июл				
8	Август				
9	Сентябр				
	4-чорак	1 м3 x 2800			
10	Октябр				
11	Ноябр				
12	Декабр				

**Изоҳ:** Бюджет ташкилотига қуйилган сиқилган газ миқдори шартномада келишилган миқдордан ортиб кетганда, ортиқча қилинган хизмат учун ҳаражатлар бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади

“ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ”

"Етказиб берувчи"

ООО «Шахрихон Газ Авто»  
 Шахрихонт., Бувайда МФЙ  
 р/с: 2020 8000 7047 3099 8001  
 АТ Алока банк Наманган бўлими  
 т.Шахрихон ОКЕД: 11232  
 МФО:00401;ИНН:300933864  
 Тел: 93 251 – 56 - 36

Рахбар:



“БЮРТМАЧИ”

Бўстан туман ХТБ

Гузар МФЙ Ипак йули кучаси 62-уй  
 р/с23402000300100001010,  
 100022860032097096300075003 Молия  
 вазирлиги ягона газна хисоб varaги  
 ИНН:201 122 919  
 ОКОНХ:97600 МФО: Марказий банк  
 Тошкент ш. ХККМ Тел: 74 -333 12 -89

Рахбар:

Ю.Азимова

